

Мусулмонларни ҳақорат қилган сиёсатчи жазога тортилди



10:01 / 17.01.2019 3591

Швециянинг ўнг қанот Демократлар партияси аъзоси бўлган маҳаллий сиёсатчи Ислон ва мусулмонларни ҳақорат қилгани учун 40 кун озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилди, деб ёзади Швециянинг маҳаллий Ехро газетаси.

Хабарда айтилишича, ўзининг антииммиграцион сиёсати билан машҳур бўлган ўнг қанот Швед Демократлар партиясининг аъзоси “Facebook” ижтимоий тармоғидаги ирқчи гуруҳларнинг “Ҳамма мусулмонлар террорчи” деган баёноти билан ўртоқлашган.

Anadolu Ajansı ахборот агентлигининг изоҳ беришича, сиёсатчига нисбатан нафрат уйғотувчи ҳаракат содир этилгани айби билан жиноий иш

қўзғатилган. Суд айбланувчини 40 кунлик қамоққа олиш жазоси эвазига 2 минг крон (190 евро) жарима тўлашга ҳукм этган. Маълум бўлишича, апелляция суди маҳаллий суд қарорини тасдиқлаган.

Islom.uz